



20 20 у. « 5 » сентябрь

№ Қ-445

« » 20 г.

Шеробод тумани Кўхитанг массиви худудидан “Шахриддинхон хожибобо ўғли Зайниддинхон” фермер хўжалигига “Замонавий товукхона” қуриш ва озуқа экинлар етиштириш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 04 июлдаги 03-02/415-сон йиғилиш баёни, Шеробод туман ҳокимининг 2020 йил 17 июндаги 01-05/771-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 04 июлдаги 03-02/415-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод тумани Кўхитанг массиви худудидан “Шахриддинхон хожибобо ўғли Зайниддинхон” фермер хўжалигига туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 1075қ-дала контуридаги жами 8,40 гектар шундан, 8,20 гектар яйлов ва 0,20 гектар қурилиш таги ер майдонлари “Замонавий товукхона қуриш” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан 0,2 гектар яйлов ва 0,2 гектар қурилиш таги ер майдони ҳамда озуқа экинлар етиштириш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан 8,0 гектар яйлов ер майдонлари ажратилсин.

3. “Шахриддинхон хожибобо ўғли Зайниддинхон” фермер хўжалиги “Замонавий товукхона қуриш” учун ажратилаётган 0,20 гектар ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 2 671 212 (икки миллион олти юз етмиш бир минг икки юз ўн икки) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши

муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов